

ТАСДИҚЛАЙМАН  
“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий  
тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш  
вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва  
импорт контрактларини комплекс  
экспертиза қилиш маркази” ДУК  
директори

Аллабергенов М.А.

«03» 02 2022 г.

**“Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни  
қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги  
Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш  
маркази” давлат унитар корхонасининг ўз эҳтиёжлари учун ахборотларни  
сақлаш тизимини харид қилиш бўйича энг яхши таклифларни танлашни  
ўтказиш учун  
ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

# ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети ва бошланғич нархи

1.1. Энг яхши таклифларни танлаш предмети (кейинги ўринларда – танлаш): “Ахборотларни сақлаш тизимини харид қилиш”.

1.2. Хариднинг бошланғич нархи – 327 000 000 (уч юз йигирма етти миллион) сўм (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда). Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан юқори бўлмаслиги керак.

1.3. Харид қилинадиган товарлар учун техник топшириқ харид ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.4. Молиялаштириш манбаи – “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКнинг ўз маблағлари.

1.5. Ушбу харид ҳужжатлари махсус ахборот порталига жойлаштирилган <https://etender.uzex.uz/>.

## 2. Танлаш ташкилотчиси

2.1. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК мазкур танлаш бўйича буюртмачи ҳисобланади (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”).

Буюртмачи манзили: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амира Темура шох кўчаси, 107Б.

2.2. Танлаш Буюртмачи томонидан тузилган ва вақтинчалик орган бўлган харид комиссияси томонидан амалга оширилади.

2.4. Шартнома тузувчи (эгаси): “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК.

2.5. Буюртмачининг боғланиш учун масъул шахслари: Мухсинов Ильгиз.

Маълумот учун телефон: (+998 71) 207-02-77. 207-02-99.

E-mail: [info@expertcenter.uz](mailto:info@expertcenter.uz).

## 3. Танлаш иштирокчиси

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

3.2. Қуйидаги иштирокчилар танлашда иштирок этишга қўйилмайди:

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиляётган;
- Буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган.

3.3. Иштирокчилар ўз хохишига кўра юқорида кўрсатилган мажбурий ҳужжатларга қўшимча равишда унинг молиявий ҳолати, ишбилармонлик обрўси, иш тажрибаси ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи қўшимча ҳужжатларини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Қўшимча ҳужжатларни тақдим этмаслик иштирокчини дисквалификация қилиш учун асос бўла олмайди.

3.4. Танлаш иштирокчиси ўз таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади. Буюртмачи танлашнинг хусусияти ва танлаш натижаларидан қатъи назар, ушбу харажатлар учун ҳеч қандай тарзда жавобгар бўлмайди ва ҳеч қандай масъулиятни ўз зиммасига олмайди.

## 4. Даствлабки малака танлови,

### танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

4.1. Танлаш бошланишидан олдин Харид комиссияси иштирокчиларнинг даствлабки малакавий танловини амалга оширади. Танлашда иштирок этишга фақат даствлабки малака танловидан ўтган



иштирокчилар кўйилади.

4.2. Барча малакавий ҳужжатлар махсус ахборот порталига киритилиши керак.

Кўйидаги иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтмаган ҳисобланади ва танлашда иштирок этишга кўйилмайди:

малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаган;  
танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;  
ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

Буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқиладиган;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошқор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган.

Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:

иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилларининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

Танлаш учун иштирокчининг таклифи (кейинги ўринларда – таклиф) харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахсга почта орқали юборилади ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали шахсан топширилади. Таклифлар солинган конверт рўйхатга олиш бланкида топширувчи ва қабул қилувчи шахс имзоси остида, қабул қилинган сана ва вақти, конвертлар сонини қайд этиш йўли билан танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга масъул шахсга тақдим этилади.

4.2. Таклиф тили - ўзбек ёки рус тили.

4.3. Танлаш иштирокчисининг таклифи икки қисмдан иборат бўлади:

- Техник қисм: Буюртмачининг техник талабларига жавоб бериши ва таклиф этиладиган товарнинг батафсил тавсифини ўз ичига олиши керак;

- Нарх қисми: харид қилиш ҳужжатлари шартларига жавоб бериши ва товарлар (ишлар, хизматлар) номи, нархи, умумий суммаси, уни етказиб бериш (амалга ошириш) ва тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқа маълумотларни ўз ичига олиши керак.

4.4. Танлаш таклифи кўйидаги тарзда расмийлаштирилади:

- Танлов таклифлари электрон давлат харидлари тизимига махсус ахборот портали орқали киритилади.

4.5. Ҳужжатлар мавжудлигига кўйиладиган мажбурий талаблар:

- техник таклиф

- иштирокчи ишончномасининг асл нусхаси



Танлаш иштирокчисининг техник ва нарх таклифлари асл нусхада такдим этилади.

4.6. Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

4.7. Такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун иштирокчи жавобгар бўлади.

4.8. Таклифлар <https://etender.uzex.uz/> тизимида танлаш эълони жойлаштирилган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида топширилиши керак.

## **5. Таклифлар кўриш ва уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

5.1. Таклифлар кўриб чиқиши бевосита Харид комиссиясининг мажлисларида амалга оширилади.

5.2. Иштирокчиларнинг таклифлари харид ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги баҳоланади

5.3. Харид комиссияси иштирокчиларнинг таклифлари навбатма-навбат кўриб чиқади.

5.4. Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

5.5. Таклиф этилаётган қурилмаларни ишлаб чиқарувчисидан (вендордан) расмий хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўғрисидаги (уларнинг номлари, манзиллари ва контактлари кўрсатилган ҳолда) хат такдим этилиши керак.

5.6. Эълон қилинган танлов доирасида кўзда тутилган қурилмаларни йетказиб бериш учун, ишлаб чиқарувчидан (вендордан) пудратчи номига берилган рухсатнома (MAF - Manufacturer's Authorization Form) мавжудлиги бўлиши керак.

5.7. Таклифларни баҳолаш жараёнида Харид комиссияси иштирокчиларга таклифда кўрсатилган у ёки бу маълумотларни тасдиқлаш ёки аниқлаштириш учун ёзма сўровлар юбориш ёки иштирокчиларни тафсилотларни аниқлаштириш учун таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Бундай сўровларни олгандан сўнг, иштирокчилар Буюртмачига ёзма равишда жавоб беришлари ва сўралган маълумотларни такдим этишлари керак. Аниқлик киритиш жараёнида таклифнинг моҳиятига, шунингдек, нархга ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

5.8. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда Харид комиссияси таклифларни қайтариш ёки уларни бундан кейин кўриб чиқиш шартларини, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, белгилаш ҳуқуқига эга.

## **6. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка амал қилиш**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

6.3. Танлаш иштирокчиси такдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади. Ҳолиб деб топилган тақдирда, иштирокчи давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.

## **7. Бошқа шартлар**

7.1. Буюртмачи Харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни такдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда Буюртмачига

танлаш ҳужжатлари коидаларига доир тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида буюртмачи, агар мазкур сўров Буюртмачига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, танлаш ҳужжатлари коидаларига доир тушунтиришларни белгиланган шаклда юбориши шарт.

7.3. Таклифларни тақдим этиш муддати ўтгандан кейин қабул қилинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва конвертлар очилмасдан танлаш қатнашчиларига қайтариб юборилади.

Танлаш иштирокчиси таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли. Таклифга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, иштирокчи конвертни очишдан олдин Харид комиссиясига «Ўзгартириш» ёзуви билан ўзгартирилган таклиф билан конвертни тақдим этади. Бундай ҳолда, ўзгартирилган дастлабки конверт очилмасдан иштирокчига қайтарилади.

7.4. Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, танлаш ўтказилмаган деб ҳисобланади.

7.5. Буюртмачи голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда Буюртмачи бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асосланган сабабларини эълон қилади.

7.6. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

7.7. Харид комиссиясининг қарори билан танлаш голиби деб эълон қилинган иштирокчи Буюртмачи томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

7.8. Буюртмачи баҳолаш яқунлари бўйича аниқланган голиб билан нархни пасайтириш тўғрисида музокараларга киришиш ҳуқуқига эга.

7.9. Голиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар Харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги голибга ўтади. Бунда захирадаги голиб голиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги голиб таклиф этган нарх голиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузадиёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин. Агар Харид комиссияси томонидан захирадаги голиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги голиб шартнома тузишдан бош тортса, давлат буюртмачиси янги танлаш ўтказди.



## НАРХГА ОИД ҚИСМ

Танлашнинг бошланғич нархи – 327 000 000 (уч юз йигирма етти миллион)сўм (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда).

Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан юқори бўлмаслиги керак.

### Тўлов шакли, шартлари ва тартиби:

Тўлов шакли - ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз кўринишда.


Тўлов тартиби ва муддатлари:

Шартнома суммасидан 15 фоиз олдиндан тўлов;

Қолган сумма (85%) – товарлар етказиб берилгандан 15 кундан кейин.


### Харид комиссияси аъзола билан келишилди:

Директор ўринбосари



Матякубов Н.М.

Давлат харидлари бўйича  
техник топшириқларни экспертизадан  
ўтказиш бошқармаси бошлиғи



Мухаммадиев Б.М.

Ишлар бошқаруви бўлими бошлиғи



Мухсинов И.Ф.

Ахборот технологиялари ва хавсизлиги  
бўлими бошлиғи



Хидиров А.А.